

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

**АКНЕ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК, ГЕНЕТИК ВА БИОКИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ: КЛИНИК КЕЧИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ
СТРАТЕГИЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Маликова Нилуфар Нусратуллаевна

Акне патогенезининг клиник, генетик ва биокимёвий

асослари: клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш

стратегиясига янгича ёндашувлар..... 3

Маликова Нилуфар Нусратуллаевна

Клинические и генетико-биохимические

основы патогенеза акне: новые подходы к

прогнозированию течения и стратегии лечения..... 35

Malikova Nilufar Nusratullayevna

Clinical and genetic-biochemical bases of acne

pathogenesis: new approaches to predicting the

course and treatment strategies 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 73

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

**АКНЕ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК, ГЕНЕТИК ВА БИОКИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ: КЛИНИК КЕЧИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ДАВОЛАШ
СТРАТЕГИЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2023.2.DSc/Tib847 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.dermatology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Арифов Саидқасим Саидазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пакирдинов Адхам Бегишевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Охлопков Виталий Александрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Остона Тиббиёт Университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмazor тумани, Фаробий кўчаси, 3 уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06; e-mail: niidiv@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмazor тумани, Фаробий кўчаси, 3 уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Ю.Сабилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.А. Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Рахматов

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дерматологик, айниқса терининг яллиғланиши билан кечадиган касалликларни олдини олиш ва даволаш замонавий дерматологиянинг муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Айниқса акне касаллиги билан боғлиқ муаммолар, уни юзнинг эстетик кўринишига таъсири, психосоматик стресс ҳолатлари ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиришга олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... акне (оддий хуснбузар) ер юзининг тахминан 9,4% аҳолисида учрайди, бу эса уни энг кўп тарқалган дерматологик касалликлардан бирига айлантиради. 12–24 ёшлиқлар гуруҳида акне 85% инсонларда учрайди, уларнинг 15% ида даволашни талаб қиладиган шакллари ривожланади. 25 ёшдан кейин ҳам бу касаллик аёлларнинг 12% ида ва эркекларнинг 5% ида сақланиб қолмоқда»¹. Акне касаллиги тарқалишининг юқори даражада эканлиги, патогенезининг мураккаблиги, ижтимоий оқибатлари, ўз навбатида ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммуногенетик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида дерматологик касалликларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада дерматологик касалликларда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, акне келиб чиқиш механизмларини аниқлаш, акне иммуногенезида яллиғланиш маркерлари аниқлаш, ген-номзодлар ва геном ассоциациясини аниқлаш, тери юзаларида патоген микроорганизмлар колониялари кўпайишини олдини олиш усуллари оптималлаштиришга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда, акнени ташхислашда унинг сабабларини аниқлаш, айниқса генетик омилларни тадқиқ этиш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида дерматологик касалликларни эрта ташхислаш ва комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, акне билан касалланган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш ва даволашга янги

¹ <https://www.who.int/ru/news-rooms/fact-sheets/detail/infertility>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

ёндашувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Акне патогенезининг клиник, генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари асосида клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Harvard Medical School (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Karolinska Institute (Швеция), University of Melbourne (Австралия), National University of Singapore (Сингапур), University of Toronto (Канада), Charité – Universitätsmedizin Berlin (Германия), Kyoto University (Япония), Seoul National University (Жанубий Корея), Peking University (Хитой), Comenius University (Словакия), Мельбурн университети (Австралия), Пекин университети (Хитой), Сеченов номидаги Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Козон давлат тиббиёт университети (Россия), Остона тиббиёт университети (Қозоғистон) Тошкент давлат тиббиёт университети, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда беморларда акненинг молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлари асосида клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

қуйидаги илмий натижалар олинган: акне ривожланиши ва кечишида клиник-иммунологик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар аниқланган (Сеченов номидаги Москва давлат тиббиёт университети, Россия); акненинг клиник кўринишларини турли комбинациялашган йўллар билан даволаш усули ишлаб чиқилган (University of Gothenburg, Швеция); беморларда акне ривожланиши хавфининг ўзига хос иммуногенетик маркерлари аниқланган (Peking University, Хитой; University of Toronto, Канада); акненинг иммуно-генетик ривожланиш механизмларини аниқлаш, ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш ишлаб чиқилган (Tokyo Medical University, Япония).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида акненинг молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлари асосида даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, акне бўлган беморларда асоратлар пайдо бўлиши учун хавф омилларини аниқлаш; акне ривожланишига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; беморларда асоратлар ривожланишига таъсир қилувчи иммунологик ва гормонал омилларни аниқлаш; эрта ташхис қўйишга ёрдам берадиган биокимёвий ва иммуногенетик маркерларини аниқлаш; акне билан касалланган беморларни даволаш ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш, акне рецидивларини камайтириш бўйича профилактик тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида акненинг этиопатогенези кўплаб олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Акне ривожланишида туғма ва мослашувчан иммун тизими биргаликда иштирок этади. Қатор тадқиқотларда IL-6 гени полиморфизми акне ва унинг клиник кечишининг оғирлиги билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Хусусан, IL-6 генининг промотори *acne vulgaris* га мойилликда муайян роль ўйнаши мумкинлиги аниқланган (Khan A.Q. 2022; Ragab M. 2019). Шунингдек, акненинг оғирлиги липидларнинг перекисли оксидланиш даражаси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотларда акнели беморларда оксидловчи стресснинг биомаркерлари бўйича турли натижалар кузатилган. Лекин умумий хулоса сифатида, уларда антиоксидант ҳимоя тизими фаоллигининг пасайиши, жумладан супероксиддисмутаза (СОД) даражасининг тушиши ва паст зичликли липопропротеидларнинг (ЛПВП) оксидланишга мойиллигининг ошиши қайд этилган (Chang W.L.; Ko C.H. 2023). Муаллифлар фикрига кўра, СОДнинг камайиши липидлар перекисли оксидланиши (ЛПО) маҳсулотларининг ортиқча ҳосил бўлиши ва оксидловчи стресснинг кучайишига олиб келади (Case A.J. 2023). Бундан ташқари, микроорганизмлар антигенлари (*P. acnes* ва *P. granulosum*) нейтрофиллар ва фагоцитларни ёғ безларига жалб қилиши исботланган. Нейтрофиллар TLR2 орқали комплемент тизимини фаоллаштириб, интерлейкинлар (IL-8 ва IL-12) синтезини рағбатлантиради, шунингдек моноцитларни IL-8, TNF- α ва IL-1 β ишлаб чиқаришга стимуллайди (Dessinioti C. 2024; Akoglu G. 2019).

МДХ давлатларида акненинг этиопатогенези Аравийская Е.Р. (2024), Львов А.Н. (2018), Баринаова А.Н. (2018), Демина О.М. (2023) каби қатор

олимлар томонидан ўрганилмоқда. Пероксисома пролифератори билан активлашадиган рецептор (PPAR) - у ядровий рецептор оқсиллари оиласига мансуб бўлиб, улар транскрипцион фактор сифатида липидлар, глюкоза ва аминокислоталар метаболизмига оид мақсадли генлар экспрессиясини бошқаради (Львов А.Н., 2022). Пероксисома пролифератори билан активлашадиган гамма-рецепторлар (PPAR γ) терида экспрессияланувчи транскрипцион фактор бўлиб, терининг барьер функцияси, хужайралар пролиферацияси ва дифференцировкасини тартибга солиш, шунингдек лиганда боғланиши орқали антиоксидант ва яллиғланиш факторларини модуляция қилишда муҳим аҳамиятга эга (Ионова Ж.И., 2016).

Акненинг иммунологик ривожланиш механизмларини ўрганган тадқиқотларда хужайравий ва гумороал иммунитет бузилишлари, шунингдек цитокин профилидаги дисбаланс теридаги яллиғланиш жараёнининг оғирлашуви таъсир қилиши исботланган (Ташкенбаева У.А., Алиев А.Ш., 2022). Шу билан бирга, симпатик ва парасимпатик нерв тизимининг дисрегуляцияси тери ёғи секрециясига, маҳаллий микроциркуляцияга ва яллиғланиш реакциялари даражасига таъсир қилувчи омил сифатида кўрсатилган. Системали ёндашув доирасида нейровегетатив таъсирлар билан боғлиқ иммун ўзгаришлар ҳам ўрганилган (Исанбаева Р.И., 2009). Қатор ишлардан маълум бўлишича, ичак микробиоценози ўзгаришлари акненинг оғирлиги билан корреляция қилиниши ва «ичак–тери ўқи» механизмлари орқали тери иммун жавобларига таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотларда тери микрофлорасининг микробиологик хусусиятлари, жумладан *Cutibacterium acnes* фаоллиги ҳам ўрганилган (Мавлянова Ш.З., Хакимов Д.Р., 2013; Азизов Б.С., Акрамова Н.Ш., 2025). Генетик полиморфизмлар, яллиғланиш реакциялари ва ёғ секрециясини бошқарувчи асосий генлар экспрессияси, шунингдек генетик омилларнинг тери микробиотаси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилганлар. Аниқланишича, ирсий мойиллик оғир ва рецидивланувчи акне турларининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди (Арифов С.С., Маликова Н.Н. 2020; Сабиров У.Ю., Иноятова Н.Р., 2024).

Юқорида келтирилган барча маълумотлар яллиғланиш жараёнлари ва антиоксидант тизимидаги бузилишлар учун жавоб берувчи генларда аниқланган мутацияларни ва биокимёвий тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилган даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий технологиялари (2022-2026 йй.)» амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акне патогенезининг клиник, генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари асосида клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акненинг турли клиник шакллари қиёсий таҳлили ва касалликнинг оғирлик даражасига қараб теридаги яллиғланишли ўзгаришлар ифодаланишини баҳолаш;

модда алмашинув гени PPARG гени C28078G полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари учраш частотаси ҳамда унинг акненинг хавф даражаси ва клиник кечиш оғирлигини стратификация қилишдаги ролини аниқлаш;

яллиғланиш медиаторлари тизимли генлари TNF- α (G-308A), IL1b (T31C), IL6 (C174G), IL10 (C592A) ҳамда антиоксидант химоянинг асосий гени SOD2 (T58C, Ala16Val, C60T) полиморфизмлари аллел ва генотипик вариантларининг акне шаклланиши ва прогрессиясидаги патогенетик аҳамиятини баҳолаш;

акне билан касалланган беморлар гуруҳида ген-ген ассоциацияларни таҳлил қилиш орқали касаллик ривожланиш хавфи, кечиши ва оғирлик даражасида аҳамиятли нохуш генотипик комбинацияларни аниқлаш;

акне билан касалланган беморлардаги супероксиддисмутаза (СОД) ва малондиальдегид (МДА) даражалари билан SOD2 гени полиморфизми генотипик вариантлари ўртасидаги корреляцион боғланишни диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш;

акнени ташхислаш ва клиник кечишини прогнозлаш, шунингдек оптимал даволаш стратегияни танлашда анамнестик, клиник, генетик ва биокимёвий маълумотларнинг комплекс ахборотдорлигини баҳолаш;

акне ривожланиш хавфи ва клиник кечишини прогнозлашнинг патогенетик асосланган усулини (алгоритмини) ва индивидуал даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2023-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика тери таносил клиник касалхонасида акне ташхиси билан даволанган 11-36 ёшдаги ўзбек миллатига мансуб 251 нафар беморлар ҳамда 128 нафар амалий соғломлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва амалий соғломлар вена қони ва зардоби биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акне билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишининг оғирлиги ва узоқ давом этиши сабабли МДА даражасининг ортиши фонида СОД фаоллигининг кескин камайиши исботланди;

илк бор акне билан касалланганда PPARG (C28078G) гени функционал жиҳатдан сусайган аллел варианты ва ноқулай G/G генотиби мавжудлиги уларда хасталикни оғир шакли ривожланиш хавфининг кескин ортиши исботланган;

илк бор PPARG (C28078G), SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1b (T31C) ва IL6 (C174G) генлари нохуш генотипик вариантларининг тарқалиш даражаси юқорилиги акне ривожланиши ва клиник оғир кечишига сабаб бўлиши уларни патогенетик жиҳатдан муҳим генетик маркерлар эканлиги исботланган;

акне касаллигида SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1 β (T-31C) ва IL6 (C174G) генларининг касалликка мойиллик қилувчи генотипик вариантлари мавжудлиги тери ёғ безларининг гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнлари ривожланишига сабаб бўлишига олиб келувчи мустақил омиллар эканлиги исботланган;

SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генетик вариантлари ген-ген ўзаро таъсирларини баҳолаш жараёнида акне ривожланишида аддитив таъсир этиши ҳамда тери ёғ безлари гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнларига оид синтропик маркерлар сифатида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акне ривожланиш хавфини аниқлаш ва прогнозлаш учун биомаркер-предиктор сифатида биокимёвий компонентлар (СОД ва МДА) кўрсаткичларини аниқлаш исботланган;

акненинг оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва прогнозлаш учун генетик маркерлар (PPARG (C28078G), SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A) ва IL6 (C174G)) полиморфизмини аниқлаш таклиф этилган;

акне ривожланиш хавфи ва клиник кечишини прогнозлашнинг патогенетик асосланган алгоритми ва индивидуал даволаш стратегияси ишлаб чиқилган.

акне кечишини прогноз қилиш ва индивидуал терапиясини танлаш учун “Акне” ЭХМ дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти акне патогенезининг клиник, генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари асосида клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишда МДА даражасининг ортиши фонида СОД фаоллигининг кескин камайиши аниқланганлиги, PPARG (C28078G) гени функционал жиҳатдан сусайган аллел варианты ва ноқулай G/G генотиби мавжудлиги хасталикни оғир шакли ривожланиш хавфининг кескин ортиши исботланганлиги, PPARG (C28078G), SOD2 (T58C,

Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1b (T31C) ва IL6 (C174G) генлари патогенетик жиҳатдан муҳим генетик маркерлар эканлиги исботланганлиги, acne vulgaris касаллигида касалликка мойиллик қилувчи генотипик вариантлари мавжудлиги тери ёғ безларининг гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнлари ривожланишига сабаб бўлишига олиб келувчи мустақил омиллар эканлиги исботланганлиги ва SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генетик вариантлари акне ривожланишида аддитив таъсир этиши ҳамда тери ёғ безлари гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнларига оид синтропик маркерлар сифатида намоён бўлиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акне ривожланиш хавфини аниқлаш ва прогнозлаш учун биомаркер-предиктор сифатида биокимёвий компонентлар (СОД ва МДА) ва генетик маркерлар (PPARG (C28078G), SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A) ва IL6 (C174G)) полиморфизмини аниқлаш таклиф этилганлиги, акне ривожланиш хавфи ва клиник кечишини прогнозлашнинг патогенетик асосланган алгоритми ва индивидуал даволаш стратегияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда акне кечишини прогноз қилиш ва индивидуал терапиясини танлаш учун “Акне” ЭХМ дастури ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акне патогенезининг клиник, генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари асосида клиник кечишини прогнозлаш ва даволаш стратегиясига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: акне билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишининг оғирлиги ва узоқ давом этиши сабабли МДА даражасининг ортиши фонида СОД фаоллигининг кескин камайиши аниқланганлиги бўйича «Акне патогенезидаги супероксиддисмутазанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш» ва «Акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2025 йил 26 мартдаги 49-сонли баённомаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали бўйича 29.04.2025 йилдаги 56-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали бўйича 21.04.2025 йилдаги №49-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиали бўйича 19.04.2025 йилдаги 14-сонли ва "Natural hair clinic" хусусий клиникаси бўйича 21.04.2025 йилдаги №4/1-сонли буйруқлари бўйича клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги №29/14-сонли ҳулосаси); *ијтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши акне оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, даволаш

тактикасини оптималлаштириш, рецидивлар ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ҳамда "Natural hair clinic" хусусий клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилишида акне патогенезидаги супероксиддисмутазаанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш ва акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар усулларини қўллаш ҳар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 1313255 сўмгача тежашга имкон яратади; *хулоса*: акне билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишининг оғирлиги ва узоқ давом этиши сабабли МДА даражасининг ортиши фонида СОД фаоллигининг кескин камайиши асосланган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор акне билан касалланганда PPAR γ (C28078G) гени функционал жиҳатдан сусайган аллел варианти ва ноқулай G/G генотиби мавжудлиги уларда хасталикни оғир шакли ривожланиш хавфининг кескин ортиши исботланганлиги бўйича «Акне патогенезидаги супероксиддисмутазаанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш» ва «Акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2025 йил 26 мартдаги 49-сонли баённомаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали бўйича 29.04.2025 йилдаги 56-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали бўйича 21.04.2025 йилдаги №49-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиали бўйича 19.04.2025 йилдаги 14-сонли ва "Natural hair clinic" хусусий клиникаси бўйича 21.04.2025 йилдаги №4/1-сонли буйруқлари бўйича клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги №29/14-сонли ҳулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши акне оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, рецидивлар ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ҳамда "Natural hair clinic" хусусий клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилишида акне патогенезидаги супероксиддисмутазаанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш ва акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар усулларини қўллаш ҳар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 1313255 сўмгача тежашга имкон яратади; *хулоса*: акне билан касалланганда

PPARG (C28078G) гени функционал жиҳатдан сусайган аллел варианты ва ноқулай G/G генотипи мавжудлиги уларда хасталикни оғир шакли ривожланиш хавфининг кескин ортиши асосланган;

учинчи илмий янгилик: илк бор PPARG (C28078G), SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1b (T31C) ва IL6 (C174G) генлари нохуш генотипик вариантларининг тарқалиш даражаси юқорилиги акне ривожланиши ва клиник оғир кечишига сабаб бўлиши уларни патогенетик жиҳатдан муҳим генетик маркерлар эканлиги исботланганлиги бўйича «Акне патогенезидаги супероксиддисмутазанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш» ва «Акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2025 йил 26 мартдаги 49-сонли баённомаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали бўйича 29.04.2025 йилдаги 56-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали бўйича 21.04.2025 йилдаги №49-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиали бўйича 19.04.2025 йилдаги 14-сонли ва "Natural hair clinic" хусусий клиникаси бўйича 21.04.2025 йилдаги №4/1-сонли буйруқлари бўйича клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги №29/14-сонли ҳулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши акне оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, рецидивлар ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ҳамда "Natural hair clinic" хусусий клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилишида акне патогенезидаги супероксиддисмутазанинг аҳамияти ва уни коррегирлаш ва акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар усуллари қўллаш ҳар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 1313255 сўмгача тежашга имкон яратади; *хулоса:* PPARG (C28078G), SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1b (T31C) ва IL6 (C174G) генлари акне ривожланиши ва клиник оғир кечишига сабаб бўлиши уларни патогенетик жиҳатдан муҳим генетик маркерлар эканлиги асосланган;

тўртинчи илмий янгилик: acne vulgaris касаллигида SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1 β (T-31C) ва IL6 (C174G) генларининг касалликка мойиллик қилувчи генотипик вариантлари мавжудлиги тери ёғ безларининг гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнлари ривожланишига сабаб бўлишига олиб келувчи мустақил омиллар эканлиги исботланганлиги бўйича «Акне патогенезидаги супероксиддисмутазанинг аҳамияти ва уни

коррегрлаш» ва «Акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2025 йил 26 мартдаги 49-сонли баённомаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали бўйича 29.04.2025 йилдаги 56-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали бўйича 21.04.2025 йилдаги №49-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиали бўйича 19.04.2025 йилдаги 14-сонли ва "Natural hair clinic" хусусий клиникаси бўйича 21.04.2025 йилдаги №4/1-сонли буйруқлари бўйича клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги №29/14-сонли ҳулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши акне оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, рецидивлар ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ҳамда "Natural hair clinic" хусусий клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилишида акне патогенезидаги супероксиддисмутазаинг аҳамияти ва уни коррегрлаш ва акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар усулларини қўллаш ҳар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 1313255 сўмгача тежашга имкон яратади; *ҳулоса*: acne vulgaris касаллигида SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1 β (T-31C) ва IL6 (C174G) генларининг касалликка мойиллик қилувчи генотипик вариантлари мавжудлиги тери ёғ безларининг гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнлари ривожланишига сабаб бўлишига олиб келувчи мустақил омиллар эканлиги асосланган;

беиинчи илмий янгилик: илк бор SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генетик вариантлари ген-ген ўзаро таъсирларини баҳолаш жараёнида акне ривожланишида аддитив таъсир этиши ҳамда тери ёғ безлари гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнларига оид синтропик маркерлар сифатида намоён бўлиши аниқланганлиги бўйича «Акне патогенезидаги супероксиддисмутазаинг аҳамияти ва уни коррегрлаш» ва «Акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2025 йил 26 мартдаги 49-сонли баённомаси билан тасдиқланган). Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали бўйича 29.04.2025 йилдаги 56-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва

косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиали бўйича 21.04.2025 йилдаги №49-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиали бўйича 19.04.2025 йилдаги 14-сонли ва "Natural hair clinic" хусусий клиникаси бўйича 21.04.2025 йилдаги №4/1-сонли буйруқлари бўйича клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги №29/14-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши акне оғир шакллари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, рецидивлар ҳолатини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари филиаллари ҳамда "Natural hair clinic" хусусий клиникаси амалий фаолиятларига жорий этилишида акне патогенезидаги супероксиддисмутазагининг аҳамияти ва уни коррегирлаш ва акне клиник кечиши хавфи биомаркерларини баҳолаш бўйича методологик тавсиялар усулларини қўллаш ҳар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 1313255 сўмгача тежашга имкон яратади; *хулоса*: SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генетик вариантлари акне ривожланишида аддитив таъсир этиши ҳамда тери ёғ безлари гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнларига оид синтропик маркерлар сифатида намоён бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 13 та, жумладан 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акнени этиологияси, патофизиологияси ва даволашнинг замонавий назариялари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида сўнгги 5–10 йил ичидаги маҳаллий ва хорижий манбалар асосида акнени эпидемиологияси, этиологияси ҳамда патогенетик ривожланиш жиҳатларига оид илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Шунингдек, акнени патогенези асосидаги молекуляр-генетик омиллар бўйича илмий изланишлар таҳлили келтирилган. Бобда акнени тизимли ва маҳаллий усулда даволашнинг долзарб масалалари ёритилган, мавжуд адабиётлар таҳлили асосида мазкур патологияни замонавий ёндашувлар асосида даволаш ва олдини олиш усуллари оид муаммоларнинг аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материаллар ҳамда усуллар батафсил баён этилган. Хусусан, клиник, молекуляр-генетик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари кенг ёритилган.

Кузатув остида Республика ихтисослашган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда, Республика тери-таносил клиник касалхонасида амбулатор шароитда даволанган акне билан касалланган жами 251 нафар бемор бўлган. Беморлардан 137 нафари (54,6%) эркаклар, 114 нафари (45,4%) аёлларни ташкил этган. Беморларнинг ёши 11 дан 36 ёшгача бўлган. Касаллик давомийлигига кўра беморлар қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилган: 1 йилгача - 50 нафар (19,9%), 1–3 йил давомида - 75 нафар (29,9%), 3–5 йил давомида - 99 нафар (39,4%), 5 йилдан ортиқ - 27 нафар (10,8%). Ёш тоифаси бўйича беморлар тақсимланиши қуйидагича: 11–18 ёш - 97 нафар (38,6%), 19–24 ёш - 101 нафар (40,3%), 25–30 ёш - 35 нафар (14%), 31 ёш ва ундан катта - 18 нафар (7,2%).

Касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни 78,4% бемор аниқ кўрсатиб берган: психоэмоционал зўриқишлар (23%) ва овқатланиш режими бузилиши (20,6%), шамоллаш касалликлар (17%), менструал бузилишлар (4,2%), анаболик гормонларни қабул қилиш (4,2%) ва глюкокортикостероид препаратларини маҳаллий қўллаш (1,2%) ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Тадқиқотнинг молекуляр-генетик қисми Республика гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида акне билан касалланган 133 нафар бемор иштирокида амалга оширилган. Назорат гуруҳини 128 та шартли соғлом дерматологик касалликларсиз ўзбек донорлари ташкил этган. Қуйидаги генлар SNP-полиморфизми ўрганилган: PPAR γ (rs1801282, C28078G), SOD2 (T58C, rs1141718; Ala16Val, rs4880; C60T, rs11575993), TNF- α (rs1800629, G-308A), IL1 β (rs16944, T-31C), IL6 (rs1800795, C174G), IL10 (rs1800872, C592A). «SNP-Скрин» (Синтол), «Ампли Прайм РИБО-преп» (AmpliSens) тест-системалари қўлланилган.

Биокимёвий тадқиқотлар учун акне билан касалланган 83 нафар беморда қон зардобдаги супероксиддисмутаза миқдори (Т.В. Сирота методикаси бўйича) ва малондиальдегид (R. Mc Knight и F. Hunter усули бўйича)

аниқланган. Солиштирма таҳлил учун 16 нафар амалда соғлом ихтиёрий иштирокчидан иборат назорат гуруҳи ташкил этилган.

Беморлар ўтказилган даво турига қараб, касалликнинг оғирлик даражаси ва давомийлигига мувофиқ иккита бир хил гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳ таркибига 72 нафар бемор, таққословчи (назорат) гуруҳга эса 61 нафар бемор киритилган. Таққословчи гуруҳдаги беморларга 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Дерматология ва тери-таносил касалликларини текшириш ва даволаш стандартлари» асосида даво белгиланган. Ушбу даволаш таркибига витаминотерапия, гипосенсибилизатор воситалари, антибактериал препаратлар ҳамда маҳаллий қўлланиладиган дори воситалари кирган.

Асосий гуруҳдаги беморлар стандарт даволашга қўшимча равишда «Тиотриазолин» таблетка 100-200мг (морфолиний-метил-триазаолил-тиоацетат антиоксидант препарат) қабул қилган, маҳаллий «Клинтопик» гел 10 мг/50 мг, 15 г (клиндамицин фосфати ва бензоил пероксид), касаллик оғирлик даражасига қараб импульсли лазер терапияси (PDL - Vbeam Perfecta, Candela аппаратида) ўтказилган. Ташқи терапия воситалари таъсирини юмшатиш ва терини тиклаш мақсадида қўшимча равишда комплекс ASW–Ultra M5+ минерал тоники ва «Dermadess» спанбондли минерал ниқоби қўлланилган. Давонинг самарадорлиги даволаш бошланганидан икки ой ўтгач, акне учун дерматологик индекс (АДИ) орқали баҳоланган.

Статистик тадқиқотларда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланган: М, σ, m, нисбий катталиклар частотаси (%), Стъюдентнинг t-критерийси орқали аниқланган. Тадқиқотда $p < 0,05$ даражасидаги ўзгаришлар статистик жиҳатдан ишончли деб қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Акне билан касалланган беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида акненинг оғирлик даражаси, клиник шакллари ва касаллик давомийлигига қараб унинг клиник кечиш хусусиятлари баён этилган. Plewig G., Kligman A.M., Jansen J.J. (2000) таснифига мувофиқ касаллик клиник кечиши таҳлил қилинганда қуйидаги шакллар аниқланган: комедонли, папуло-пустулёз ва конглобат шакллар. Комедонли шакл 46,2% беморда, 43,4 фоизда папуло-пустулёз шакл, конглобат шакл эса 10,4% беморда аниқланган.

Касалликнинг оғирлик даражаси Глобал альянснинг акне (Global Alliance on Acne, GAA) натижаларини яхшилаш бўйича Global Acne Grading System (GAGS) таснифига мувофиқ таҳлил қилинди. Клиник таҳлил натижаларига кўра, акненинг: енгил даражаси - 77 нафар беморда (30,6%), ўрта даражаси - 121 нафарда (48,2%), оғир даражаси - 53 нафар беморда (21,2%) қайд этилган. Эркалар орасида ҳам, аёллар орасида ҳам папуло-пустулёз шакл энг кўп учраган клиник форма сифатида аниқланган.

Акне билан касалланган беморлар орасида 19 ёшдан 24 ёшгача бўлган беморлар (36,9%) устунлик қилган ва кўп ҳолларда дерматознинг ўртача оғирлик даражаси (47,4%) аниқланган.

Диссертациянинг «Акне билан касалланган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида қуйидаги 8 та генлар полиморфизмларининг натижалари баён этилган: PPARG, (rs1801282, C28078G), SOD2 (rs1141718, T58C; rs4880, Ala16Val; rs11575993, C60T), TNF- α (rs1800629, G-308A), IL1b (rs16944, T31C), IL6 (rs1800795, C174G) ва IL10 (rs1800872, C592A). Ушбу генларнинг акне билан касалланган беморлар патогенезидаги роли илмий жиҳатдан баҳоланган. Ушбу генларнинг акне ривожланишидаги ассоциациясини таҳлил қилиш учун «кейс–назорат» (case-control) модели қўлланилди. «Кейс» гуруҳи - акненинг турли оғирлик даражаларига эга бўлган 133 нафар бемор, «назорат» гуруҳи- дерматологик ёки бошқа хасталикларсиз, шартли равишда соғлом деб ҳисобланган ўзбек миллатига мансуб 128 нафар иштирокчидан иборат бўлган.

PPARG (rs1801282, C28078G) гени полиморфизми бўйича тадқиқотимиз натижасида ушбу полиморфизмнинг акне ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолашда, назорат гуруҳи билан таққослаганда мутант G аллели частотасининг аҳамиятли даражада ошиш тенденцияси кузатилди -18,4% акнели беморларда ва мос равишда 12,4% ($\chi^2=3,6$; $p=0,1$; OR=1,6) назорат гуруҳида. С аллели эса шартли соғлом донорлар гуруҳида беморларга нисбатан кўпроқ учраган - 87,6% ва 81,6% мос равишда ($p>0,05$). PPARG гени генотипик вариантларини таҳлил қилиш натижасида гомозигот C/C варианты частотасининг ўсиш тенденцияси аниқланди -76% назорат ва мос равишда 66,9% беморлар гуруҳида ($\chi^2=2,6$; $p=0,2$; OR=0,6). Асосий гуруҳдаги беморлар орасида гетерозигот C/G генотипи ташувчилари улуши назорат гуруҳига нисбатан бироз юқори бўлди - мос равишда 29,3% ва 23,2% ($\chi^2=0,3$; $p=0,3$; OR=1,4). Минор G/G генотипи юқори частота билан асосий гуруҳда 3,8%, назорат гуруҳида эса 0,8% ҳолларда учради ($\chi^2=2,5$; $p=0,2$; RR=4,7; OR=4,8). Акненинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда PPARG гени rs1801282 полиморфизмининг аллел ва генотип вариантлари частотаси тақсимотини ўрганиш жараёнида, патология оғирлиги ортиши билан ноқулай G/G генотипи учраш частотасининг тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланди. Назорат гуруҳига нисбатан оғир даражадаги беморлар гуруҳчаси ичида ноқулай G аллелининг устунлиги кузатилган. Аниқланган G ноҳуш аллели ва G/G генотипининг юқори учраш тенденцияси шуни кўрсатадики, ушбу локуснинг ноқулай вариантларига эга шахсларда акне ривожланиш хавфи 2 баравардан 6 бараваргача ошиши мумкин.

SOD2 гени T58C (rs1141718) полиморфизмини ўрганиш натижасида акне билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида аллел ва генотиплар тақсимоти бўйича статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланди. Беморларда Т аллели камроқ (96,6% ва 99,6%, $p=0,03$), ноқулай С аллели эса асосий гуруҳда устун (3,4% ва 0,4%, $p=0,03$) эканлиги кузатилди. Оғир даражадаги акне билан касалланган беморларда С аллели анча кўпроқ (5,3% ва 0,4%, $p=0,01$), Т аллели эса камроқ (94,7% ва 99,6%, $p=0,01$) учради. Шунингдек, Т/С гетерозиготали генотипи ҳам оғир даражадаги акне ҳолатларида сезиларли даражада кўпроқ кузатилди (10,5% ва

0,8%, $p=0,01$). С аллели ва Т/С гетерозиготали генотиби ташувчиларда акнедаги яллиғланиш ошиши хавфи 8–13 марта ошди ($p<0,05$).

Акне патогенезида оксидланиш стрессининг маркери бўлган SOD2 гени rs4880 Ala16Val полиморфизми иштирокини таҳлилида Ala аллели беморларда камроқ учради (48,1% ва 58%, $p=0,03$), бу эса унинг акне ривожланишидан ҳимоя қилувчи (протектив) таъсири мавжудлигини англатади. Шу билан бирга, Val аллели асосий гуруҳда устун бўлиб, 51,9% ни ташкил этди (назорат гуруҳида - 42%, $p=0,03$). Асосий гуруҳдаги 29,3% беморларда SOD2 гени Val/Val мутант гомозиготали генотиби аниқланди, бу кўрсаткич назорат гуруҳидан (20,8%) юқори эканлиги қайд этилди, айниқса оғир даражадаги акне ҳолатларида анча кўпроқ учради - 47,4% га нисбатан 20,8% ($p=0,03$). Бу ҳолат оксидланиш стрессининг юқори хавфи билан боғлиқ эканлиги аниқланди ($OR=3,4$).

SOD2 гени rs11575993 C60T полиморфизмини таҳлил қилиш натижасида беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида аллел ва генотиплар тақсимотида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланмади. Ушбу вариант ташувчиларида акне билан боғлиқ оксидланиш стрессининг ривожланиш хавфи $OR=1$ дан 2,5 гача бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли эмаслиги аниқланди ($P>0,05$).


Таdqикотимиз натижаларига кўра, SOD2 генининг T58C rs1141718 ва Ala16Val rs4880 полиморфизмлари яллиғланиш ривожланишида ва липидларнинг перекисли оксидланиши билан боғлиқ жараёнларда, айниқса оғир ва енгил акнега чалинган беморларда, диагностик ва прогностик маркер сифатида қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

TNF- α генининг G308A (rs1800629) полиморфизмини таҳлилида асосий гуруҳда ва назорат гуруҳида G ва A аллелларининг тақсимот частотаси мос равишда 79,4% ва 20,6% ҳамда 86,6% ва 13,3% ни ташкил этди. Бу ҳолатда шанслар нисбати (OR) 1,7 га тенг бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли фарқ кузатилди ($\chi^2=6,1$; $p=0,01$; $CI_{95\%}=1,10-2,55$). G/G гомозиготали “ёввойи” генотипининг частотаси акне билан касалланган беморларда пастроқ бўлиб, 60,4%, назорат гуруҳида эса 73,35% ни ташкил этди ($\chi^2=6,5$; $p=0,01$; $OR=0,5$; $CI_{95\%}=0,342-0,87$). Шу билан бирга, G/A гетерозиготали генотип ташувчилари улуши акне билан касалланган беморларда сезиларли даражада юқори - 38,8%, назорат гуруҳида эса 26,7% бўлди. Бу генотип ташувчиларида акне ривожланиш хавфи 1,7 бараварга ошгани аниқланди ($\chi^2=5,4$; $p=0,02$; $OR=1,7$; $CI_{95\%}=1,08-2,77$). G/A гетерозиготали генотип оғир шаклдаги акне ривожланиш хавфининг юқори детерминанти сифатида аниқланди (45,2%га қарши 26,7%; $\chi^2=5,4$; $p=0,02$; $OR=2,3$; $CI_{95\%}=1,12-4,56$). Аксинча, G/G гомозиготали “яхши” генотип касаллик ривожланишининг паст хавфли маркери бўлиб чиқди (50,0%га қарши 73,3%; $\chi^2=8,4$; $p=0,004$; $OR=0,4$; $CI_{95\%}=0,181-0,73$). Шунингдек, A/A гомозиготали генотип ташувчилари улуши беморлар гуруҳида 4,5% ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу генотип умуман аниқланмаган ($\chi^2=7,7$; $p=0,005$). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, TNF- α гени rs1800629 полиморфизмининг ташувчилиги

акненинг оғир кечиши билан корреляцион боғлиқликка эга. Шу билан бирга, G/A гетерозиготали генотип акне ривожланиши ва шаклланишининг юқори хавфли молекуляр-генетик маркери сифатида қайд этилди, ҳолбуки G/G гомозиготали генотип мазкур касаллик учун паст хавфли маркер сифатида намоён бўлди.

Интерлейкинлар оиласига мансуб IL1b - rs16944, IL6 - rs1800795, IL10 - rs1800872 генларининг полиморфизмлари акне яллиғланиш регуляциясида ўрни ўрганилди.

IL1b гени T31C (rs16944) полиморфизми тадқиқоти натижаларига кўра, IL1b гени rs16944 полиморфизмининг иштирокини таҳлил қилишда аллел ва генотиплар тақсимотида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида T ва C аллеллари ва T/T, T/C C/C генотиплари гуруҳлар ўртасида тақсимотида ҳам ишончли фарқ кузатилмади (T: 66,5% ва 67,6%; ноқулай C аллели: 33,5% ва 32,4%; $p=0,8$). Нохуш C аллели назорат гуруҳига нисбатан оғир акне формасига эга беморлар гуруҳчасида устунлик қилди. Оғир акне даражасида T аллели камроқ (50% ва 67,6%; $p=0,05$), C аллели эса кўпроқ (50% ва 32,4%; $p=0,05$) учради. Гетерозигот T/C генотипи оғир кечадиган беморларда 68,4%, назорат гуруҳида эса 37,6% ҳолларда аниқланди ($p=0,03$), бу унинг яллиғланиш хавфини оширишдаги ролини кўрсатади ($OR=3,6$). Шунингдек, оғир ва енгил акне даражалари таққосланганда ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилди (1-расм).



1-расм. IL1b гени T31C полиморфизмининг аллел ва генотип вариантлари частотаси акне оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда тақсимланиши

Акненинг патогенезида яллиғланишнинг ўткир фазаси медиатори ҳисобланган IL6 гени rs1800795 полиморфизми иштирокини таҳлилида аллеллар тақсимотида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди. Протектив хусусиятга эга бўлган C аллели акне билан касалланган беморларда анча кам учради - 67,3% (назорат гуруҳида 83,6%, $p=0,01$), ҳолбуки G аллели, аксинча, беморлар гуруҳида кўпроқ аниқланди - 32,7% (назорат гуруҳида 16,4%, $p=0,01$). IL6 гени C174G полиморфизмининг гомозигот генотипи C/C

таксимоти бўйича асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланди: асосий гуруҳда у 48,1%, назорат гуруҳида эса 71,2% ҳолларда учради ($\chi^2=14,2$; $p=0,01$; $OR=0,4$). Гетерозигот C/G генотиби акнега чалинган шахсларда назорат гуруҳига нисбатан бироз юқори учраш тенденциясини кўрсатди - 38,3% ва 24,8% мос равишда ($\chi^2=5,5$; $p=0,03$; $OR=1,9$). IL6 гени C174G полиморфизмининг аллел ва генотип вариантлари таксимотини акненинг клиник оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил қилиш натижасида, мутант G аллели ва G/G генотиби учраш частотаси патология оғирлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ экани аниқланди. Оғир даражадаги акне билан касалланган беморларда: C аллели - 55,3%, G аллели - 44,7% ҳолларда аниқланди ($p=0,01$). G/G генотиби бундай беморларда назорат гуруҳига нисбатан анча кўп учради - 15,8% ва 4,0% ($p=0,05$), C/G генотиби эса оғир касалларда янада юқори бўлди - 57,9% ва 24,8% ($p=0,01$). G аллели ва G/G ҳамда C/G генотипларини ташувчи шахсларда яллиғланиш ривожланиш хавфи 2–5 мартагача ошиб боради, бу эса rs1800795 полиморфизмини, айниқса оғир шаклдаги акне учун муҳим прогностик маркер сифатида баҳолаш имконини беради.

Таҳлил натижаларига кўра, IL10 гени rs1800872 полиморфизмининг акне патогенезидаги иштирокини баҳолашда статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланмади. Акне билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида C ва A аллеллари таксимоти бўйича аҳамиятли фарқ кузатилмади: C аллели - 71,1% ва 72,8%, A аллели - 28,9% ва 27,2% ($p>0,7$). Шунингдек, C/C, C/A ва A/A генотиплари ҳам гуруҳлар орасида ҳамда акненинг оғирлик даражаларига кўра аҳамиятли фарқ кўрсатмади. Шундай қилиб, IL10 гени rs1800872 полиморфизми акне ривожланиши ёки унинг оғирлик даражаси билан ассоциацияга эга эмас.

Интерлейкинлар оиласи генларининг полиморф вариантлари - IL1b (T31C, rs16944) ва IL6 (C174G, rs1800795) акнедаги яллиғланиш жараёни ривожланишининг патогенетик механизмида аҳамиятли роль ўйнайди. Шу тариқа, IL1b (rs16944) ва IL6 (rs1800795) генларининг полиморфизмлари акнедаги яллиғланиш патогенезида прогностик маркер сифатида қўлланилиши мумкин, айниқса оғир шаклдаги беморларда.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, акнега генетик мойиллик асосан антиоксидант ҳимоя, цитокин жавоби ва липид алмашинувини тартибга солувчи генларнинг полиморф вариантлари ўртасидаги кумулятив ва синергик ўзаро таъсир натижасида шаклланиши аниқланди. Аниқланишича, SOD2 ва PPARG генларининг икки нохуш генотиби комбинацияси акне билан оғирган беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2,5 марта кўп учраган (25,6% га нисбатан 10,4%; $\chi^2=9,9$; $p=0,001$) ва касаллик ривожланиш хавфининг уч барабар ортиши билан боғлиқ бўлган ($OR=3,0$; 95% CI: 1,48–5,92). Кўп сонли комбинацияларни таҳлил қилиш генетик юкламани порогли таъсирини аниқлади, яъни ноқулай генотиплар жамланиши хавфнинг изчил ортиши ва касалликнинг клиник шакллари оғирлашуви билан кечишига олиб келган.

**SOD2, цитокинлар (TNF- α , IL-1 β , IL-6, IL-10) ва PPARG
генларининг ноқулай генотиплари комбинацияларининг акне
ривожланиш хавфи билан ассоциацияси (ген-ген ўзаро таъсирларини
таҳлил қилиш натижалари).**

Нохуш генотиплар комбинацияси Текширилган аллеллар ва генотиплар сони;	Текширилган аллеллар ва генотиплар сони				χ^2	p	OR	95% CI
	Асосий гурух n=133		НГ n=125					
	n	%	n	%				
SOD2 (T58C, Ala16Val, C60T) и PPARG генларнинг ген-ген ўзаро таъсири								
2x	34	25,6	13	10,4	9,9	0,001	3,0	1,478- 5,922
3x	3	2,2	0	0,0	2,8	0,09	2,4	0,98- 4,64
4x	0	0,0	0	0,0				
Tnf-a, IL1b, IL6 IL10 и PPARG генларнинг ген-ген ўзаро таъсири								
2x	47	35,3	32	25,6	2,9	0,09	1,6	0,929- 2,716
3x	33	24,8	16	12,8	6,0	0,01	2,2	1,167- 4,332
4x	9	6,8	3	2,4	2,8	0,09	2,9	0,78 - 11,16

Цитокин генлари (TNF- α , IL-1 β , IL-6, IL-10) ва PPARG генларининг учта нохуш генотипи комбинацияси постакне билан оғриган беморларда статистик жиҳатдан ишончли равишда кўпроқ учраган (24,8% га нисбатан 12,8%; $\chi^2 = 6,0$; $p = 0,01$) ҳамда касаллик хавфини 2,2 марта оширган (OR = 2,2; 95% CI: 1,17–4,33). Шу билан бирга, тўртта нохуш генотип жамланиши хавфнинг янада ортишига мойилликни намоён этган (OR = 2,9). SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генларининг полиморф вариантлари мустақил таъсирга эга бўлмаган, бироқ кўп локусли моделлар таркибида аддитив таъсирни амалга оширган. Бу эса акнега генетик мойилликнинг чизиқли бўлмаган архитектурасини тасдиқлайди ҳамда аниқланган комбинацияларни хавфни стратификация қилиш ва терапияни индивидуаллаштириш учун молекуляр-генетик маркерлар сифатида қўллашни асослаб беради.

Диссертациянинг «**Акне патогенезининг биокимёвий асослари**» деб номланган бешинчи бобида беморлар қон зардобиди МДА ва СОД ферменти даражаси ва уларнинг акне патогенезидаги аҳамияти ўрганилган. Тадқиқот 83 нафар акне билан касалланган бемор ўртасида ўтказилди. Улардан: 31 нафар бемор - акненинг енгил даражаси, 35 нафар бемор - ўрта даражаси, 17 нафар бемор - оғир даражаси билан кечувчи шаклга эга эди. Назорат гуруҳи эса 16 нафар соғлом инсондан иборат бўлди.

Акне билан касалланган беморларда қон зардобидаги МДА миқдори ишончли даражада ошган, ўртача кўрсаткич $1,26 \pm 0,01$ нмоль/мл ни ташкил этган. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич $0,79 \pm 0,02$ нмоль/мл бўлиб, фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,001$) деб топилган. Акне билан касалланган беморларда қон зардобидаги липидлар перекисли оксидланиш ҳолатини касаллик оғирлик даражасига қараб таҳлил қилиш натижасида, барча оғирлик даражасидаги беморларда МДА миқдори ишончли равишда ошгани аниқланди. Бироқ бу ошиш турли даражада намоён бўлган. Хусусан, назорат гуруҳида МДА $0,79 \pm 0,02$ нмоль/мл бўлган бўлса, енгил даражадаги акне билан беморларда бу кўрсаткич $1,22 \pm 0,03$ нмоль/мл, ўрта даражадаги беморларда - $1,28 \pm 0,02$ нмоль/мл, оғир даражадаги беморларда - $1,32 \pm 0,03$ нмоль/мл ни ташкил этди. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, МДА даражаси билан акненинг оғир кечиши ўртасида ўртача кучли тўғри боғланиш мавжудлиги аниқланди ($r = 0,678$). Бу ҳолат акненинг оғир шаклларида оксидланиш жараёнлари фаоллашганини кўрсатади. Акне касаллиги давомийлигига кўра қон зардобидаги МДА миқдори куйидагича аниқланди: касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган беморларда ўртача $0,96 \pm 0,04$ нмоль/мл, 1 йилдан 3 йилгача - $1,16 \pm 0,03$ нмоль/мл, 3 йилдан 5 йилгача - $1,36 \pm 0,02$ нмоль/мл, 5 йилдан ортиқ давом этган ҳолатларда эса - $1,44 \pm 0,02$ нмоль/мл бўлган. Корреляцион таҳлил натижалари МДА миқдорининг ошиши касалликнинг давомийлигига боғлиқлигини кўрсатди. Энг юқори корреляция коэффиценти ($r = 0,689$) касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган беморларда аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, акне билан касалланган беморлар қон зардобида липидларнинг перекис оксидланиши жараёнлари фаоллигининг ошиши кузатилди. Бу ҳолат айниқса касалликнинг оғир даражасида ва узок давом этувчи патология ҳолатларида яққол намоён бўлди.

Акне билан оғирган беморлар қон зардобида супероксиддисмутаза миқдори ўрганилди ва даволаш бошланишидан олдин СОД ферменти миқдори сезиларли даражада камайган - $105,83 \pm 6,70$ шартли бирлик, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $201,50 \pm 3,15$ шартли бирликни ташкил этган. Бу фарқ статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, 1,9 марта камайиш ($P < 0,01$) аниқланган. Қон зардобида ушбу фермент миқдорини турли клиник шаклдаги акне билан касалланган беморларда ўрганиш шуни кўрсатдики, касаллик оғирлик даражасига қараб СОД миқдори турлича ўзгаради. Енгил даражадаги акнега чалинган беморларда назорат гуруҳига нисбатан СОД даражаси статистик жиҳатдан ишончли тарзда пастайди ($p < 0,01$) - ўртача $127,77 \pm 11,22$ шартли бирлик, назоратда эса $201,50 \pm 3,15$ шартли бирлик. Ўрта оғирлик даражадаги акне билан касалланганларда СОД миқдори янада камайган бўлиб, ўртача $102,00 \pm 10,79$ шартли бирликни ташкил этган, бу ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичи ($201,50 \pm 3,15$) га нисбатан ишончли даражада паст ($p < 0,01$). Шуни қайд этиш керакки, ушбу гуруҳ беморларида СОД ферменти даражаси енгил акнели беморларга нисбатан 1,3 марта паст бўлиб, бу фарқ ҳам статистик жиҳатдан ишончли ($P < 0,05$). Оғир даражадаги акне билан касалланган беморлар қон зардобида СОД ферменти миқдорининг энг кучли ва статистик

жиҳатдан ишончли пасайиши қайд этилган. Бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 2,7 марта камайган ($p < 0,001$). Ўртача СОД миқдори оғир акнели беморларда $73,71 \pm 7,99$ шартли бирликни, назорат гуруҳида эса $201,50 \pm 3,15$ шартли бирликни ташкил этган. СОД кўрсаткичларининг клиник жараён оғирлашувидаги патогенетик иштироки икки асосий омил билан бевосита боғлиқ. Биринчидан, бу - акнедаги яллиғланиш жараёнининг кучайиши билан, иккинчидан эса - касаллик ривожланишига жавобан организмнинг компенсацион имкониятлари сусайиши ёки ҳимоя кучларининг камайиши билан, хусусан антиоксидант тизимининг фаоллашуви билан боғлиқ. Бу гипотеза корреляцион таҳлил натижалари билан ҳам тасдиқланди: СОД даражаси пасайиши ва касалликнинг оғир кечиши ўртасида кучли боғланиш аниқланди ($r=0,814$; $p=0,002$). Патологик жараённинг давомийлиги ошган сари қон зардобидagi СОД ферменти миқдори мутаносиб равишда камайиб боради. Хусусан, акне давомийлиги 1 йилгача бўлган беморларда СОД даражаси $129,8 \pm 16,0$ шартли бирликни ташкил этиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада паст экани аниқланди ($p < 0,05$). Касаллик давомийлиги 1–3 йил бўлган беморларда эса СОД миқдори янада камайиб, $112,6 \pm 13,4$ шартли бирликка етди ва бу ҳам назорат гуруҳи ($201,5 \pm 28,6$) билан солиштирганда статистик аҳамиятга эга бўлди ($p < 0,05$). Касаллик давомийлиги 3–5 йил ва ундан ортиқ бўлган беморларда СОД ферментининг миқдори энг минимал даражада қайд этилди ва соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан жуда юқори статистик аҳамиятга эга фарқ кузатилди ($p < 0,01$). Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, касаллик давомийлиги ошган сари СОД миқдорининг пасайиш даражаси ҳам ортиб бориши аниқланди. Хусусан, СОД миқдори $129,8 \pm 16,4$ шартли бирликдан $90,9 \pm 13,3$ шартли бирликкача камайган бўлиб, бу 1,4 марта паст кўрсаткични ташкил этди ($P < 0,001$). Таҳлил натижаларига кўра, ушбу ўзгаришлар тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқликка эга бўлиб, корреляция коэффиценти $r=0,754$ ни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, организмнинг антиоксидант ҳимоя тизимидаги энг кучли пасайиш касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган беморларда кузатилди. Оғир кечувчи акнени ривожланишида МДАнинг этиопатогенетик ролини аниқлаш мақсадида қатор кўрсаткичлар ҳисобланди. Жумладан, ассоциация коэффиценти (Касс), Пирсоннинг χ^2 қиймати, нисбий хавф (RR), сезгирлик (Se) ва спецификлик (Sp) каби статистик кўрсаткичлар аниқланди.

Акнени оғир кечиш хавфини баҳолашда МДА даражаси 0,85 нмоль/л дан паст бўлган беморларда таҳлиллар ўртача даражадаги спецификлик ($Sp=72,1\%$) ва паст сезгирлик ($Se=62,3\%$) кўрсатган, аммо нисбий хавф ($RR=3,0$) аниқланган. МДА миқдори 0,86–1,22 нмоль/л оралиғида бўлган беморларда эса акнени оғир кечишини башорат қилиш учун ишончли диагностик кўрсаткичлар қайд этилган: ассоциация коэффиценти (Касс=0,69, $p<0,01$), чегаравий боғланиш $\chi^2=5,22$ ($p<0,05$), нисбий хавф ($RR=4,8$). Бироқ бу диапазон учун сезгирлик ($Se=73,5\%$) ва спецификлик ($Sp=62,3\%$) кўрсаткичлари ўрта даражадан паст деб баҳоланади. Юқори даражадаги

боғланиш ($K_{асс}=0,96$, $p<0,001$) ва мувофиқлик ($\chi^2=28,1$, $p<0,001$) кўрсаткичлари МДА $>1,23$ нмоль/л бўлган ҳолларда қайд этилди. Бу ҳолда нисбий хавф ($RR=12,2$) ҳам анча юқори бўлиб, бу кўрсаткич оғир акнени ривожланиш хавфининг кескин ошиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ушбу даражада сезгирлик ($Se=89,2\%$) ва спецификлик ($Sp=81,1\%$) кўрсаткичлари ҳам юқори бўлиб, бу шундан далолат берадики, $89,2\%$ ҳолатда тестнинг ижобий натижаси оғир акнени ривожланиш хавфини тўғри аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, акнени оғир кечиш хавфини прогноз қилиш учун диагностик жиҳатдан аҳамиятли МДА даражаси - $>1,23$ нмоль/л деб топилди.

Акнени оғир кечишида СОД кўрсаткичларининг этиопатогенетик роли ўрганилганда аниқландики, СОД <220 шартли бирликда бўлган беморларда тест ўртача спецификликка ($Sp=71,4\%$) ва паст сезгирликка ($Se=65,1\%$) эга бўлди, бироқ нисбий хавф ($RR=3,9$) даражасида бўлиб, бу акнени оғир кечиши билан боғлиқ эҳтимолни кўрсатади.

Акнени оғир кечишини баҳолашда СОД даражаси $187-130$ шартли бирлик оралиғида бўлган ҳолат диагностик аҳамиятга эга экани аниқланди. Бу ҳолда ассоциация коэффиценти ($K_{асс}=0,81$, $p<0,01$), боғланиш даражаси ($\chi^2=11,78$, $p<0,01$) ва нисбий хавф ($RR=5,4$) статистик жиҳатдан ишончли бўлди. Бироқ тестнинг сезгирлиги ($Se=70,1\%$) ва спецификлиги ($Sp=77,2\%$) юқори даражада эмаслиги қайд этилди.

Юқори даражадаги ассоциация ($K_{асс}=0,92$, $p<0,001$) ва боғланиш даражаси ($\chi^2=14,2$, $p<0,001$), шунингдек, нисбий хавф ($RR=11,5$) - СОД даражаси <130 шартли бирлик бўлган ҳолатга хосдир. Бу кўрсаткич юқори сезгирликка ($Se=91,5\%$) ва спецификликка ($Sp=86,4\%$) эга бўлиб, яъни $91,5\%$ ҳолларда тестнинг мусбат натижалари акнени оғир кечиш хавфини тўғри ташхис қўйиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, акнени оғир кечиш хавфини прогноз қилиш учун диагностик аҳамиятга эга СОД даражаси - <130 шартли бирлик эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, қон зардобидagi антиоксидант фаолиятининг бузилиши акне патогенезида муҳим аҳамиятга эга экани аниқланди. Шу билан бирга, антиоксидант ҳимоя тизимидаги бузилиш даражаси липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнлари ва дерматознинг оғирлик даражаси билан корреляцияланади.

Акне билан оғриган беморларда СОД даражасининг ишонарли пасайиши фонида МДА кўрсаткичларининг ишонарли ошиши аниқланди. Бу ҳолат касалликнинг клиник кечиши оғирлашганда ва унинг давомийлиги ортиши билан янада кучаяди. Олинган натижалар шундан далолат берадики, МДА даражасининг ошиши ва СОД кўрсаткичларининг пасайиши (МДА $>1,23$ нмоль/л; СОД <130 шартли бирлик) ўзаро боғлиқ бўлиб, акнени оғир кечиши хавфини аниқлашда диагностик аҳамиятга эга кўрсаткичлар ҳисобланади.

PPARG гени s1801282 (C28078G) генотипик вариантларининг ЛПО ферментлари фаоллигига таъсири таҳлил қилинганда, благоприятли С/С генотипига эга шахсларда СОД ва МДА кўрсаткичлари нохуш гомозигот ва

гетерозигот генотипларга нисбатан ишонарли даражада фаркланиши ($p < 0,01$) аниқланди.

IL1b гени T31C полиморфизмининг генотипик вариантлари частотаси бўйича СОД ва МДА даражалари таққослаб ўрганилганда аниқланишича, гетерозигот Т/С ва ноқулай гомозигот Т/Т генотипларидаги беморларда СОД ва МДА кўрсаткичлари С/С генотипига нисбатан ишонарли даражада фарқ қилган ($P < 0,01$).

Шунингдек, ўхшаш ҳолат IL6 гени rs1800795 (C174G) полиморфизми бўйича ҳам кузатилди - гетерозигот С/С ва ноқулай гомозигот G/G генотипларида СОД миқдори ишонарли даражада пасайган ($P < 0,05$), шу билан бирга МДА даражаси ишонарли ошган ($P < 0,01$).

Акненинг патогенезида яллиғланишнинг асосий ўткир фаза медиатори ҳисобланган IL6 гени rs1800795 полиморфизмининг таъсирини таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, ноқулай гетерозигот ва гомозигот генотипларнинг ташувчиларида СОД ва МДА миқдорлари С/С генотипидаги ўртача кўрсаткичлардан ишонарли даражада фарқ қилган ($P < 0,01$).

Шунингдек, IL10 гени C-592A (rs1800872) ва TNF- α гени rs1800629 полиморфизмлари бўйича акне билан касалланган беморлардаги ноқулай гетерозигот ва гомозигот генотиплар ҳам СОД ва МДА даражасига таъсир кўрсатиши аниқланди. Хусусан, СОД миқдори ишонарли даражада пасайган ($P < 0,05$), МДА даражаси эса ишонарли ошган ($P < 0,01$) бўлиб, бу кўрсаткичлар мазкур генларнинг қулай гомозигот генотипларига нисбатан аниқ фарқ қилган.

Val/Val генотипи митохондриал СОД нинг фаоллиги Ala/Ala генотипига нисбатан пастлиги билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, ушбу ферментлар фаоллигининг пасайиши (генетик хусусиятлар сабабли) фаол кислород шакллари (ФКС) тўпланишига олиб келади, бу эса липидларнинг перекисли оксидланишини кучайтиради ва МДА даражасининг ошишига сабаб бўлади. Антиоксидант ферментларнинг ноқулай генотипларига эга беморлар оксидланиш стрессини юқори даражада ҳис қиладилар. Цитокинлар тизимидаги генетик нуқсонлар оксидланиш стрессини янада кучайтиради ҳамда МДАнинг ўсиши ва СОД фаоллигининг пасайишига олиб келади. ЛПО ва антиоксидант ҳимоя тизими ўртасидаги мувозанатсизлик сурункали яллиғланиш жараёнини қўллаб-қувватлайди ва акне касаллигининг кечишини оғирлаштиради. Оксидланиш стрессини бартараф этиш (коррекция қилиш) эса акнени даволашдаги комплекс терапиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлиши мумкин.


Диссертациянинг «**Акнени даволаш усуллари**нинг самарадорлигини генетик ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида баҳолаш» деб номланган олтинчи бобида акнени даволаш тактикаси ва унинг самарадорлиги баён этилган. Даволаш жараёнида аниқланишича, такомиллаштирилган даво (стандарт даволашга қўшимча равишда “Тиотриазолин” таблетка 100-200мг (морфолиний-метил-триазолил-тиоацетат антиоксидант препарат) қабул қилган, маҳаллий “Клинтопик” гел 10 мг/50 мг, 15 г (клиндамицин фосфати ва

бензоил пероксид), касаллик оғирлик даражасига қараб импульсли лазер терапияси (PDL - Vbeam Perfecta, Candela аппаратида) ўтказилган. Ташқи терапия воситалари таъсирини юмшатиш ва терини тиклаш мақсадида қўшимча равишда комплекс ASW–Ultra M5+ минерал тоники ва «Dermadess» спанбондли минерал ниқоби қўлланилган) усулини қабул қилган беморларда морфологик элементларнинг регресси анъанавий терапияга нисбатан тезроқ содир бўлган. Такомиллаштирилган терапия таъсирида тери касаллик элементлари (комедонлар, папулалар, пустулалар, тугунлар ва яллиғланиш) анъанавий даволаш усулига нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли даражада эртароқ йўқолган. Шундай қилиб, агар анъанавий терапияда комедонлар ўртача $7,2 \pm 0,14$ кунда йўқолган бўлса, такомиллаштирилган усулда бу кўрсаткич $6,1 \pm 0,16$ кунни ташкил этди ($p < 0,05$) ва бу фарқ статистик жиҳатдан ишонарли деб топилди. Анъанавий усулда папулалар ўртача $9,02 \pm 0,06$ кунда йўқолган бўлиб, бу кўрсаткич такомиллаштирилган усулда $7,43 \pm 0,21$ кунни ташкил этди ($p < 0,05$). Тугунларнинг барҳам топиши ҳам такомиллаштирилган усулда $12,1 \pm 0,22$ кунда кузатилган бўлиб, бу анъанавий усулдаги $15,09 \pm 0,21$ кундан анча эртароқ содир бўлган ($p < 0,05$). Пустулаларнинг йўқолиши ($8,01 \pm 0,17$ кун) ва яллиғланиш жараёнининг барҳам топиши ($12,4 \pm 0,21$ кун) ҳам такомиллаштирилган терапия усулида анъанавий усулга нисбатан статистик жиҳатдан юқори ишонч даражаси билан эртароқ кузатилган ($p < 0,01$), анъанавий усулда эса бу кўрсаткичлар $10,4 \pm 0,18$ ва $16,2 \pm 0,18$ кунни ташкил этган.

Ножўя таъсирлар - юз терисининг қуруқлиги, қизариши ва қичишиши кўринишида - такомиллаштирилган терапия усулини олган 72 нафар бемордан 6 нафарида (8,3%), анъанавий даволаш усулини олган 61 нафар бемордан эса 9 нафарида (14,8%) кузатилган.

Ўртача акне дерматологик индекси (АДИ) кўрсаткичларига кўра, кузатув динамикасида анъанавий даволаш усулида кўрсаткичлар 2,7 марта пасайган ($12,8 \pm 0,15$ қарши $4,8 \pm 0,07$; $P < 0,01$), ҳолбуки, модификация қилинган терапия усулида бу пасайиш 7,7 мартага тенг бўлган ($13,8 \pm 0,21$ қарши $1,8 \pm 0,03$; $P < 0,001$). Бунда патологик жараённинг барҳам топиши кўп ҳолларда фақат 1 та даволаш курси (1 ой)дан сўнг кузатилган. Олинган маълумотлар 2-расмда келтирилган.

Терапия самарадорлигини баҳолаш натижалари (2-жадвал) шундан далолат бердики, клиник соғайиш ҳолатлари асосий гуруҳда, яъни модификация қилинган даволаш усулида анча юқори бўлган - 69,4%, анъанавий терапия олувчи беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткич 49,2% ни ташкил этган ($P < 0,05$). Сезиларли яхшиланиш ҳолатлари солиштирма гуруҳда асосий гуруҳга нисбатан камроқ кузатилган - 19,4% қарши 21,3%. Шу билан бирга, оддий яхшиланиш ҳолатлари асосий гуруҳда 2,7 марта камроқ бўлган (29,5% қарши 11,1%; $P < 0,05$).



2-расм. Акне билан касалланган беморларда кузатув динамикасидаги ўртача АДИ кўрсаткичлари (ўртача элементлар сони)

Қайта даволаш курсларига мухтож бўлган беморлар сони асосий гуруҳда 11,1% ни ташкил этди, солиштирма гуруҳда эса бу кўрсаткич 29,5% бўлиб, 2,7 марта юқори экани аниқланди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, модификация қилинган даволаш схемаси нафақат тиббий самарадорликни, балки ижтимоий ва иқтисодий самарани ҳам таъминлайди. Касалликнинг рецидив ҳолати солиштирма гуруҳда 2 ойдан сўнг 13,1% беморларда аниқланди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 2,8% ни ташкил этди, яъни 6,8 марта камроқ ҳолларда кузатилган ($P < 0,001$).

2-жадвал

Қўлланилган усулларга кўра акнени даволаш самарадорлиги

Даволаш натижалари	Солиштирма гуруҳ, n=61		Асосий гуруҳ, n=72		Маълумотлар ишончлилиги, P
	абс.	%	абс.	%	
Клиник ремиссия	30	49,2	50	69,4	<0,05
Сезиларли яхшиланиш	13	21,3	14	19,4	НД
Яхшиланиш	18	29,5	8	11,1	<0,01
Ёмонлашиш	0	0,0	0	0,0	
2 ойдан сўнг рецидив	8	13,1	2	2,8	<0,001

3-жадвалда анъанавий даволаш усули ва ишлаб чиқилган терапия усули фониди ЛПО ҳамда антиоксидант химоя кўрсаткичларининг қиёсий динамикаси келтирилган. Иккала гуруҳда ҳам даволашдан сўнг МДА даражасининг ишончли равишда пасайиши қайд этилган ($p < 0,001$).

**Турли даволаш усуллари фонида оксидатив стресс ва антиоксидант
химоя кўрсаткичларининг динамикаси**

Курсатгич	Гурух	Даводан олдин (M±SD)	Даводан кейин (M±SD)	p ₁	p ₂
МДА, нмоль/мл	Анъанавий усул (n=32)	1,96±0,02	1,10±0,01	<0,001	<0,001
	Такомиллаштирилган усул (n=47)	1,24±0,02	1,06±0,02	<0,001	
СОД, шарт./бирл.	Анъанавий усул (n=32)	89,56±8,71	149,9±4,22	<0,001	<0,001
	Такомиллаштирилган усул (n=47)	118,3±9,5	173,04±12,6	<0,001	

Изоҳ: p₁ – даволашдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги; p₂ – даволашдан кейин гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги.

Анъанавий даволашда МДА концентрацияси 1,96±0,02 дан 1,10±0,01 нмоль/мл гача камайган бўлиб, бу 43,9% га пасайишни ташкил этган, ишлаб чиқилган усул қўлланилганда эса 1,24±0,02 дан 1,06±0,02 нмоль/мл гача камайган (14,5% га пасайиш). Даволашдан кейин МДА қийматларининг гуруҳлараро таққосланиши статистик жиҳатдан ишончли фарқларни аниқламади (p > 0,05), бу эса липопероксидация жараёнларини сусайтириш нуқтаи назаридан ҳар иккала схема якуний самарадорлигининг қиёсий эканлигини кўрсатади.

СОД фаоллигини таҳлил қилиш ҳар иккала гуруҳда ҳам кўрсаткичнинг ишончли равишда ошганлигини кўрсатди (p < 0,001), бироқ таъсир даражаси сезиларли даражада фарқ қилди. Анъанавий даволаш гуруҳида СОД фаоллиги 89,56±8,71 дан 149,9±4,22 шартли бирлик/мл гача ошган бўлиб, бу 67,4% ли ўсишга мос келади, ишлаб чиқилган усул қўлланилганда эса 118,3±9,5 дан 173,04±12,6 шартли бирлик/мл гача ошган (46,3% ли ўсиш). Даволашдан кейинги гуруҳлараро таққослаш ишлаб чиқилган усул гуруҳида СОД қийматлари анъанавий терапияга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли равишда юқори эканлигини аниқлади (173,04±12,6 га нисбатан 149,9±4,22 шартли бирлик/мл; p < 0,05). Олинган маълумотлар ишлаб чиқилган усулнинг антиоксидант химоянинг ферментатив бўғинини тиклашда ишончли устунликка эга эканлигини ҳамда оксидатив дисбалансни янада чуқурроқ коррекция қилишини кўрсатади.

Кейинги босқичда такомиллаштирилган терапия усулини қабул қилган 72 нафар беморда PPARG гени rs1801282 (C28078G) полиморфизми таҳлил қилинди. Улардан 50 нафар беморда C/C генотиби, 19 нафарда C/G генотиби, ва 3 нафарда G/G генотиби аниқланди. Такомиллаштирилган терапия усулини олган акне билан оғриган беморларда PPARG гени rs1801282 (C28078G) полиморфизми генотипларига қараб даволаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Акне билан оғриган беморларда PPARG гени rs1801282 (C28078G) полиморфизми генотипларига қараб такомиллаштирилган терапия самарадорлиги натижалари

Даво натижалари	C/C, n=50		C/G, n=19		G/G, n=3	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Клиник ремиссия, n=50	44	88	6	31,6*	0	0,0
Сезиларли яхшиланиш, n=14	5	10	8	42,1**	1	33,3*
Яхшиланиш, n=8	1	2	5	26,3**	2	66,7**
Жами	50	100	19	100	3	100

Изоҳ: * – маълумотларнинг ишончлилиги C/C генотиби ташувчилари билан таққосланганда (* – $P<0,05$; ** – $P<0,01$).

Генотиплар асосида такомиллаштирилган усул билан даволанган беморларда терапия натижалари шундан далолат бердики, клиник ремиссия акне ривожланишига нисбатан протектив таъсирга эга бўлган C/C генотиби бўлган беморлар гуруҳида кўпроқ (88,0%) ҳолатларда кузатилди. Шу билан бирга, C/G генотиби бўлган беморларда бу кўрсаткич 31,6% ни, G/G генотиби бўлган беморларда эса клиник ремиссия кузатилмади. Олинган маълумотлар статистик жиҳатдан ишончли аҳамиятга эга эканлиги аниқланди ($P<0,01-0,05$). Сезиларли яхшиланиш C/C генотибидаги беморларда 10,0% ҳолатларда, C/G генотибидаги беморларда 42,1% ҳолатларда ва G/G генотибидаги беморларда 33,3% ҳолатларда кузатилган. Терининг патологик жараёнининг яхшиланиши G/G генотипига эга бўлган беморларда 66,7%, C/G генотибида - 26,3% ва C/C генотибида - 2,0% ҳолатларда аниқланган.

Акне билан касалланган беморларда rs1801282 (C28078G) PPARG гени генотипларига қараб стандарт терапия усули билан даволаш натижалари 5-жадвалда келтирилган. Генотиплар учраш частотаси - C/C (39 бемор), C/G (20 бемор) ва G/G (2 бемор) - ҳисобга олинган ҳолда ўтказилган стандарт терапия қуйидаги натижаларни кўрсатди: C/C генотиби бўлган беморларда клиник ремиссия 53,8%, C/G генотиби бўлган беморларда - 45,0%, G/G генотиби бўлган беморларда клиник ремиссия кузатилмади.

5-жадвал

Акне билан касалланган беморларда rs1801282 (C28078G) PPARG гени полиморфизми генотипларига боғлиқ ҳолда стандарт усулдаги терапия натижалари (n=61):

Даво натижалари	C/C, n=39		C/G, n=20		G/G, n=2	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Клиник ремиссия, n=30	21	53,8	9	45,0	0	0
Сезиларли яхшиланиш, n=13	7	17,9	6	30,0*	0	0
Яхшиланиш, n=18	11	28,2	5	25,0	2	100**
Жами	39	100	20	100	2	100

Изоҳ: * - маълумотларнинг ишончлилиги C/C генотипига эга беморларга нисбатан (* - $P<0,05$; ** - $P<0,01$).

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, C/C генотипига эга бўлган шахсларда клиник ҳолатнинг сезиларли яхшиланиши 17,9% беморларда кузатилган. Шу билан бирга, ноқулай гетерозигот C/G генотипига эга беморларда стандарт терапиядан кейин клиник яхшиланиш ҳолатлари сони 30% гача ошган ($P<0,05$), ноқулай гомозигот G/G генотипига эга беморларда клиник ремиссия қайд этилмаган. Клиник аломатларнинг яхшиланиши C/C генотипи бўлган беморларда 28,2%, C/G генотипи бўлган беморларда 25,0% ва G/G генотипи бўлган беморларда 100,0% ҳолларда кузатилган.

Шундай қилиб, беморларда rs1801282 (C28078G) PPARG гени полиморфизмининг ноқулай гетерозигот ва гомозигот генотиплари мавжуд бўлиши, ҳам такомиллаштирилган, ҳам анъанавий даволаш усулларининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

IL6 генидаги rs1800795 (C174G) полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда терапия самарадорлиги такомиллаштирилган усул билан даволанган 72 нафар беморда ўрганилди. Улардан 35 нафар беморда C/C генотипи, 29 нафарда C/G генотипи ва 8 нафарда G/G генотипи аниқланган. IL6 гени rs1800795 (C174G) полиморфизмининг генотипларига қараб такомиллаштирилган терапия олган акне билан касалланган беморларнинг даволаниш натижалари б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Акне билан касалланган беморларнинг IL6 гени rs1800795 (C174G) полиморфизми генотипларига қараб такомиллаштирилган терапия натижалари (n=72)

Даво натижалари	C/C, n=35		C/G, n=29		G/G, n=8	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Клиник ремиссия, n=50	32	91,4	18	62,1*	0	0,0
Сезиларли яхшиланиш, n=14	3	8,6	8	27,6**	3	37,5**
Яхшиланиш, n=8	0	0,0	3	10,3	5	62,5
Жами	35	100,0	29	100,0	8	100,0

Изоҳ: * - IL6 гени rs1800795 (C174G) полиморфизмининг C/C генотипига нисбатан маълумотлар ишончлилиги.

Жадвалдан кўриниб турибдики, C/C генотипи эгаларида теридаги паталогик жараённинг сезиларли яхшиланиши, яъни постакне изларининг йўқолиши 91,4% ни ташкил этди ва бу кўрсаткич C/G генотипи бўлган беморларда қайд этилган натижалардан (62,1%) юқори бўлди. G/G генотипи бўлган беморларда эса клиник ремиссия кузатилмади.

Сезиларли яхшиланишга келсак, C/C генотипи бўлган беморлар улуши 8,6% ни ташкил этди, C/G генотипи бўлганларда - 27,6%, ҳамда G/G генотипи бўлганларда - 37,5% бўлди ($P<0,05$).

Теридаги паталогик жараённинг яхшиланиши C/C генотипи бўлган беморларда кузатилмади, C/G генотипи бўлганларда эса бу ҳолат 10,3% ни ташкил этди. G/G генотипи бўлган беморларда эса тери жараёнининг яхшиланиши бошқа генотипларга нисбатан 6,1 марта кўпроқ, яъни 62,5% ҳолларда қайд этилди ($P<0,01$).

C/C генотиби бўлган беморларда сезиларли яхшиланиш ҳолати 24,1% ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич C/G генотиби бўлган беморларга нисбатан 5,9% га юқори. G/G генотиби каби ноқулай генотипга эга беморларда эса клиник жиҳатдан сезиларли яхшиланиш ҳолати 20% ҳолларда қайд этилган.

Такомиллаштирилган даволаш усули натижалари SOD2 генидаги Ala16Val полиморфизми генотипларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатдики, клиник яхшиланиш Ala/Ala генотипига эга бўлган беморлар гуруҳида 72,2% ҳолларда кузатилган. Шу билан бирга, Ala/Val генотипига эга бўлган беморларда бу кўрсаткич 67,6% ни, Val/Val генотиби ташувчиларида эса 70,0% ни ташкил этган.


Стандарт терапия шароитида Ala/Ala генотиби ташувчиларида аҳамиятли яхшиланиш 64,7% ҳолатларда қайд этилган, Ala/Val генотипида — 16,0%, Val/Val генотипида эса — 26,3% ни ташкил этган. Шу билан бирга, Val/Val генотипига эга беморларда яхшиланиш 47,4% ҳолатларда кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич бошқа генотиплар билан таққослаганда ишончли даражада юқори бўлган ($p < 0,01$).

Қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, усул турига боғлиқ ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаганда, такомиллаштирилган усул қўлланилган беморларда, ҳатто PPARG генидаги rs1801282 (C28078G), IL6 генидаги rs1800795 (C174G) ва SOD2 генидаги rs4880 (Ala16Val) полиморфизмларининг ноқулай генотиплари мавжуд бўлса ҳам, анъанавий усулга нисбатан ишончли даражада аниқ мусбат клиник таъсирга эришилганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, генлар генотипларини ҳисобга олган ҳолда терапия самарадорлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, энг яхши натижа қулай ва ҳимоя қилувчи генотипларда кузатилган. Яъни, PPARG генидаги C/C генотиби, IL6 генидаги G/G генотиби ва SOD2 генидаги rs4880 (Ala16Val) полиморфизмининг Ala/Ala генотиби бўлган беморларда, тадқиқот қилинган генларнинг нохуш гетерозигот ва гомозигот генотипларига нисбатан самаралироқ клиник натижалар қайд этилган.

Олинган маълумотлар асосида акнени прогноз қилиш ва шахсийлаштирилган терапияни амалга ошириш учун алгоритм ва ЭХМ дастур ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритм акненинг кечишини прогнозлаш ва шахсийлаштирилган даволашга қаратилган комплекс модель бўлиб, фенотипик, биокимёвий ва молекуляр-генетик параметрларни интеграция қилишга асосланган. Таклиф этилган ёндашувнинг илмий янгилиги молекуляр маркерлар (PPARG, TNF- α , IL1B, SOD2), касаллик оғирлик даражасини акс эттирувчи клиник индекслар (GAGS) ҳамда оксидатив стресс кўрсаткичлари (МДА, СОД) ўртасида тизимли ўзаро боғлиқлик ўрнатилганлиги билан изоҳланади, бу эса беморларни олиб боришда рискка йўналтирилган ва патогенетик жиҳатдан асосланган тактикани амалга ошириш имконини беради.

АКНЕНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА ШАХСИЙЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯСИ АЛГОРИТМИ



ХУЛОСА

1. Акне билан оғриган беморларда соғлом шахсларга нисбатан СОД фаоллигининг статистик жиҳатдан ишончли даражада ($p < 0,001$) пасайиши кузатилган. Айниқса касалликнинг оғир даражасига эга бўлган беморларда ($74,4 \pm 12,09$ шартли бирлик/мл). Касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган асосий гуруҳ беморларида СОД даражаси паст (минимал) қийматгача тушиб, $90,9 \pm 13,3$ шартли бирлик/мл ни ташкил этди.

2. PPARG генидаги (C28078G) функционал жиҳатдан сусайган аллел вариантини ташувчи беморларда акненинг ривожланиши ва унинг клиник кечиши билан боғлиқ ассоциатив алоқа (тенденция даражасида) аниқланди. Хусусан, ноқулай генотип варианты G/G бўлган беморларда хасталик, айниқса оғир шаклдаги акнени ривожлантириш нисбий хавфи 6,9 мартадан ортиқ эканлиги ($\chi^2 = 2,5$) аниқланди.

3. Acne vulgaris касаллиги билан SOD2 (T58C, Ala16Val), TNF- α (G-308A), IL1 β (T-31C) ва IL6 (C174G) генлар оилаларининг мутант генотипик вариантлари ташувчилиги ўртасида ассоциатив боғлиқлик аниқланди. Бу уларни теридаги ёғ безларининг гиперсекрецияси ва акнедаги яллиғланиш жараёнларига таъсир этувчи мураккаб омиллар сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Ушбу генотипик вариантларни ташувчи беморларда акненинг ривожланиш нисбий хавфи 2 мартадан 6 мартача юқори эканлиги ($\chi^2 > 3,84$; $p < 0,05$), оғир шаклларда эса 2 мартадан 10 мартача юқори эканлиги аниқланди. Мазкур генларнинг қулай аллел вариантлари ушбу патология ривожланиш хавфини пасайтирувчи (протектив) таъсир билан ишончли даражада боғлиқ эканлиги кўрсатилди ($p < 0,05$).

4. SOD2 (C60T) ва IL10 (C592A) генетик вариантлари тери яллиғланишининг патогенетик механизмида мустақил тарзда иштирок этмаган. Бирок, ген-ген ўзаро таъсирларини баҳолаш жараёнида мазкур полиморфизмларнинг акне ривожланишида аддитив таъсири намоён этган бўлиб, уларни тери ёғ безларининг гиперсекрецияси ва яллиғланиш жараёнларига оид синтропик маркерлар сифатида кўриб чиқиш мумкинлиги исботланди.

5. Ассоциатив таҳлил натижаларининг валидацияси *acne vulgaris* касаллиги билан тадқиқ этилган генларнинг қўшилган ноқулай гаплотиплари (синтропик таъсир) ўртасида ишончли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. TNF- α , IL-1 β , IL-6, IL-10, SOD2 (T58C, Ala16Val, C60T) ва PPARG генларнинг уч ёки тўртта нохуш генотипик вариантлари комбинациясини ташувчи беморларда акне ривожланишининг умумий хавфи назорат гуруҳига нисбатан 2 баравардан ортиқ (OR=2,2 ёки OR=2,9; $\chi^2=6,0$; $p=0,01$) эканлиги аниқланди.

6. SOD2 гени Val/Val гомозигот мутант генотиби ташувчилиги билан СОД ферменти даражасининг ишончли пасайиши ($P<0,01$) ва МДА кўрсаткичининг ошиши ($P<0,01$) ўртасида коррелятив боғлиқлик аниқланди. Val/Val генотиби Ala/Ala га нисбатан митохондриал супероксиддисмутазанинг пасайган фаоллиги билан ассоциацияланади.

7. Олинган маълумотлар асосида, акненинг диагностикаси, ривожланиши ва клиник кечиш хавфини прогноз қилиш алгоритми ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, акне билан оғриган беморлар учун шахсийлаштирилган даво-профилактик чора-тадбирлар тавсия этилди, натижада тошмалар регресси тезлашди, касаллик рецидив ҳолатлари камайтирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИИ И КОСМЕТОЛОГИИ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

**КЛИНИЧЕСКИЕ И ГЕНЕТИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
ПАТОГЕНЕЗА АКНЕ: НОВЫЕ ПОДХОДЫ К ПРОГНОЗИРОВАНИЮ
ТЕЧЕНИЯ И СТРАТЕГИИ ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.11 – Дерматология и венерология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2026

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2023.2.DSc/Tib847.

Докторская диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников МЗ РУз

Аннотация диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.dermatology.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный консультант:

Арифов Саидкасим Саидазимович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Пакирдинов Адхам Бегишевич
доктор медицинских наук, профессор

Охлопков Виталий Александрович
доктор медицинских наук, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Медицинский университет Астана

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2026 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.06/2025.27.12.Tib.26.01 при Республиканском специализированном научно-практическом центре дерматовенерологии и косметологии (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 3. Тел./факс: (+99871) 147-02-06, e-mail:niidiv@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического центра дерматовенерологии и косметологии (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 3. Тел./факс: (+99871) 147-02-06.

Аннотация диссертации разослана «_____» _____ 2026 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2026 года).

У. Ю. Сабиров

Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.А. Мирсаидова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук

А.Б. Рахматов

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы профилактика и лечение дерматологических заболеваний, особенно протекающих с воспалительными поражениями кожи, остаются одной из ключевых проблем современной дерматологии. В частности, вопросы, связанные с акне, его влиянием на эстетический вид кожи лица, развитием психосоматических стрессовых состояний существенным образом влияют на качество жизни. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... акне (обыкновенные угри) встречается примерно у 9,4% населения Земли, что делает его одним из наиболее распространённых дерматологических заболеваний. В возрастной группе 12–24 лет акне выявляется у 85% лиц, при этом у 15% из них развиваются формы, требующие лечения. После 25 лет заболевание сохраняется у 12% женщин и 5% мужчин»¹. Высокая распространённость акне, сложность его патогенеза и его социальные последствия, в свою очередь, обуславливают необходимость ранней клинко-иммуногенетической диагностики, разработки лечебных мероприятий и их внедрения в практическое здравоохранение.

На глобальном уровне особое внимание уделяется научно-исследовательским работам, направленным на совершенствование мер ранней диагностики, профилактики и лечения дерматологических заболеваний. В этом контексте приоритетными направлениями научных исследований остаются изучение состояния биохимических и иммунологических показателей при дерматологических заболеваниях, выявление механизмов развития акне, определение маркеров воспаления в иммуногенезе акне, идентификация генов-кандидатов и геномных ассоциаций, а также оптимизация методов предупреждения избыточной колонизации патогенных микроорганизмов на поверхности кожи. Наряду с этим, установление причин акне, в особенности исследование генетических факторов, разработка и внедрение в практику эффективных методов диагностики, лечения и профилактики данного заболевания относятся к числу актуальных задач, стоящих перед специалистами данной области.

В нашей стране среди широкомасштабных мер, реализуемых по совершенствованию системы здравоохранения, особое внимание уделяется ранней диагностике и комплексному лечению дерматологических заболеваний. В этом контексте, в соответствии с семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы, определены задачи по поднятию уровня оказания медицинской помощи населению на качественно новый этап, в частности «...повышение качества квалифицированного медицинского обслуживания населения в системе первичной медико-санитарной помощи...»². Исходя из этого, повышение качества медицинского обслуживания населения, формирование здоровой

¹ <https://www.who.int/ru/news-rooms/fact-sheets/detail/infertility>

² Постановление Президента Республики Узбекистан ПФ-60 от 28 января 2022 года «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»

среды, а также проведение молекулярно-генетических исследований у пациентов с акне и разработка новых подходов к лечению, направленных на снижение уровня заболеваемости, приобретают особую актуальность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации важных задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», Указом Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года № УП–6610 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года № ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также постановлением Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года ПП №–4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», и других нормативно-правовых актов, регулирующих данную сферу деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, направленные на разработку новых подходов к прогнозированию клинического течения акне и формированию стратегий лечения на основе клинических, генетических и биохимических показателей патогенеза данного заболевания, проводятся в ряде ведущих научных центров и высших учебных заведений мира, в том числе в Harvard Medical School (США), University of Oxford (Великобритания), Karolinska Institute (Швеция), University of Melbourne (Австралия), National University of Singapore (Сингапур), University of Toronto (Канада), Charité – Universitätsmedizin Berlin (Германия), Kyoto University (Япония), Seoul National University (Республика Корея), Peking University (Китай), Comenius University (Словакия), Московском государственном медицинском университете имени И. М. Сеченова (Россия), Казанском государственном медицинском университете (Россия), Медицинском университете Астана (Казахстан), а также в Ташкентском государственном медицинском университете, Центре повышения квалификации медицинских работников и Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре дерматовенерологии и косметологии (Узбекистан).

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

В мировой научной практике на основе молекулярно-генетических и биохимических исследований у пациентов с акне получен ряд результатов, направленных на разработку новых подходов к прогнозированию клинического течения заболевания и формированию эффективных стратегий лечения. В частности, выявлены изменения клинко-иммунологических показателей при развитии и течении акне (Московский государственный медицинский университет имени И. М. Сеченова, Россия); разработаны методы лечения клинических проявлений акне с использованием различных комбинированных подходов (University of Gothenburg, Швеция); определены специфические иммуногенетические маркеры риска развития акне у пациентов (Peking University, Китай; University of Toronto, Канада); сформирован комплексный подход к выявлению, диагностике и лечению иммуногенетических механизмов развития акне (Tokyo Medical University, Япония).

В настоящее время на основе молекулярно-генетических и биохимических исследований акне на мировом уровне ведутся научные работы, направленные на разработку новых подходов к формированию стратегий лечения по следующим приоритетным направлениям, в частности: выявление факторов риска развития осложнений у пациентов с акне; определение наличия наследственной предрасположенности к развитию акне; установление иммунологических и гормональных факторов, влияющих на формирование осложнений у больных; идентификация биохимических и иммуногенетических маркеров, способствующих ранней диагностике заболевания; разработка алгоритмов лечения и ведения пациентов с акне, а также совершенствование профилактических мероприятий, направленных на снижение частоты рецидивов акне.

Степень изученности проблемы. В мировом масштабе этиопатогенез акне является предметом изучения многочисленных исследователей. Установлено, что в развитии акне совместно участвуют врождённая и адаптивная иммунные системы. В ряде исследований показано, что полиморфизм гена IL-6 может быть связан с развитием акне и степенью тяжести его клинического течения. В частности, выявлено, что промоторная область гена IL-6 может играть определённую роль в предрасположенности к акне vulgaris (Khan A.Q., 2022; Ragab M., 2019). Кроме того, степень тяжести течения заболевания может быть ассоциирована с уровнем перекисного окисления липидов. В исследованиях у пациентов с акне получены неоднозначные результаты по биомаркерам окислительного стресса. Однако в качестве обобщающего вывода отмечается снижение активности системы антиоксидантной защиты, в том числе уменьшение уровня супероксиддисмутазы (СОД) и повышение склонности липопротеинов низкой плотности (ЛПНП) к окислению (Chang W. L.; Ko C. H., 2023). По мнению авторов, снижение активности СОД приводит к избыточному образованию продуктов перекисного окисления липидов и усилению окислительного стресса (Case A. J., 2023). Кроме того, доказано, что антигены

микроорганизмов *P. acnes* и *P. granulosum* способствуют привлечению нейтрофилов и фагоцитов к сальным железам. Нейтрофилы посредством рецептора TLR2 активируют систему комплемента и стимулируют синтез интерлейкинов (IL-8 и IL-12), а также индуцируют продукцию моноцитами IL-8, TNF- α и IL-1 β (Dessinioti C., 2024; Akoglu G., 2019).

В странах СНГ этиопатогенез акне изучается рядом исследователей, в частности Е. Р. Аравийской (2024), А. Н. Львовым (2018), А. Н. Бариновой (2018), О. М. Деминой (2023) и др. Пероксисомный пролифератор-активируемый рецептор (PPAR) относится к семейству ядерных рецепторных белков и функционирует как транскрипционный фактор, регулирующий экспрессию целевых генов, связанных с метаболизмом липидов, глюкозы и аминокислот (А. Н. Львов, 2022). Пероксисомный пролифератор-активируемый рецептор γ (PPAR γ) является транскрипционным фактором, экспрессируемым в коже, и играет важную роль в регуляции барьерной функции кожи, процессов клеточной пролиферации и дифференцировки, а также в модуляции антиоксидантных и воспалительных факторов посредством связывания с лигандом (Ж. И. Ионов, 2016).

